



CONSISTENT REFORMS AIMED AT ENSURING THE IMPLEMENTATION OF THE STATE POLICY ON YOUTH IN INTERNAL AFFAIRS BODIES

Muslimbek Khusniddinovich Abdirasulov

Employee, independent researcher

Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Institute for the Study of Youth Problems and Training of Prospective Personnel

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: State youth policy, youth, youth entrepreneurship, government policy priorities, ongoing reforms, legislation.

Received: 29.07.24

Accepted: 31.07.24

Published: 02.08.24

Abstract: The article examines and analyzes the ongoing reforms in the field of state youth policy and the priorities of state policy, their essence, necessity and significance. Proposals were put forward for the solution and further improvement of some problematic issues arising in the implementation of state youth policy.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛДА ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР

Муслимбек Хусниддинович Абдирасулов

Ходими, мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ёшларга оид давлат сиёсати, Ёшлар, Ёшлар тадбиркорлиги, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, амалга оширилаётган ислохотлар, қонун ҳужжатлари

Аннотация: Мақолада ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, уларнинг моҳияти, зарурати ва аҳамияти ҳақида фикр юритилган ва таҳлил қилинган. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда вужудга келаётган айрим муаммоларни масалаларни бартараф этишга йўналтириш ва янада такомиллаштиришга оид таклифлар билдирилган.

ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА ОБЕСПЕЧЕНИЕ РЕАЛИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В ОТНОШЕНИИ МОЛОДЕЖИ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Муслимбек Хусниддинович Абдирасулов

Сотрудник, независимый исследователь

МВД Республики Узбекистан, Институт изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:	В	статье
Государственная молодежная политика, молодежь, молодежное предпринимательство, приоритеты государственной политики, текущие реформы, законодательство	рассматриваются и анализируются реформы в сфере государственной молодежной политики и приоритеты в этом направлении, их сущность, необходимость и значение. Были внесены предложения по решению и дальнейшему совершенствованию некоторых проблемных вопросов, возникающих при реализации государственной молодежной политики.		

КИРИШ

Вояга етмаганлар ва ёшлар мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд энг ёш, ғайратли, келгусида асосий ишчи кучини ташкил қилувчи қатлам ҳисобланади.

Уларни иқтисодий жихатдан қўллаб-қувватлаш ҳар қандай давлат учун бир қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш, барқарорликни таъминлаш, демакдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда, ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидоий этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Ички ишлар органларида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Биргина, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2024 йил 12 январь кунидаги Республика Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида ёшлар ўртасида профилактик тадбирларни самарали ташкил этиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда бартараф этиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашиш мақсадида белгиланган 1 млн 17 минг нафар ёшлар ички ишлар органларига бириктирилди[1]. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга мақсадида, ҳудудларда 1 млн 57 минг 530 нафар ёшларни камраб олган ҳолда уларни “Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш”га қаратилган 33 718 та тадбир ташкил этилди.

Шу билан бирга, маҳаллаларда 648 та кичик кутубхона, китоб ва маънавият бурчаклари яратилди ва 2 та Ватанпарварлик гузари ташкил этилди.

Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ҳамда ёшларни ижтимоий ва маиший муаммоларини ҳал этишга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, 821 537 нафар ёшлар иштирокида ҳуқуқий саводхонликни ва қонунга итоаткорлик ҳиссини оширишга қаратилган 25 567 та тадбир ўтказилди;

8 279 та ҳуқуқий-тарғибот кунлари доирасида, 1 468 та танлов ва мусобақалар, 619 та сайёр суд муҳокамалари, 4 183 та кўрғазмали тарғибот тадбирлари, 4 715 та махсус-ҳуқуқий профилактик ва 6 303 та бошқа йўналишдаги тадбирлар.

Бугунги кунгача хорижда “миграцияда” бўлган жами 411 нафар, шулардан, Россия Федерациясидан 290 нафар ёшлар яшаш жойларига қайтариш чоралар кўрилди;

ёшларнинг турли ижтимоий ва маиший муаммолари аниқланиб, “маҳалла еттилиги” ҳамда бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида 15 924 нафарининг муаммоси ҳал этилди;

310 та меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, 1 532 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди, 919 нафари касб-ҳунарга ўқитишга жалб этилди, 372 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди, 112 нафарига субсидия ва 398 нафарига кредитлар ажратилди, шунингдек 12 591 нафарининг бошқа муаммолари ҳал қилинди.

Амалга оширилаётган ижобий ишларга қарамай республикада вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигини олдини олиш ва ҳуқуқбузарлик профилактикасини таъминлашда юзага келаётган айрим мавжуд муаммолар жамият ижтимоий ҳаётига салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

I. Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятчиликнинг бугунги ҳолати, соҳадаги мавжуд муаммолар ва хориж тажрибаси

Жиноятчиликнинг чуқур таҳлили бугунги кунда ёшлар билан амалга оширилаётган ишлар ҳануз етарли эмас экканлигини кўрсатмоқда.

Статистик маълумотлар таҳлиliga кўра, 2023 йил давомида республикада қайд этилган жами жиноятларнинг 33,8 % айнан ёшлар томонидан содир этилган [2].

Маълумот учун; 2019 йилда бу кўрсаткич 25,5 %, 2020 йилда 23%, 2021 йилда 19,7 %, 2022 йилда 23,2 % ни ташкил қилган.

Жиноятга қўл урган 33,8 фоиз ёшлардан 0,4% фоизи қотиллик, 1,5 фоизи оғир тан жароҳати етказиш, 0,7 фоизи номусга тегиш, 12,5 фоизи ўғрилиқ, 17,4 фоизи фирибгарлик, 0,4 фоизи босқинчилик, 1 фоизи талончилик, 4,7 фоизи безорилик жиноятларини содир этган.

ёшлар жиноятларининг 61,5 фоизи республиканинг 6 та ҳудуди ҳиссасига: Сурхандарё (38,1%), Тошкент шаҳри (35,4%), Фарғона (34,5%), Тошкент (30,9%),

Самарқанд (33 %), Наманган (34,7%), вилоятлари ҳиссасига тўғри келиб, салмоғи юқорилигича қолмоқда[3].

Шунинг учун ҳам, ёшлар билан ишларни ташкил этишда алоҳида эътибор жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этганларни ижтимоий соғлом ҳаёт тарзига қайтариш, уларнинг муаммоларни ҳал этишга қаратилмоқда.

Бугунги кунда, 19 122 нафар ёшлар пробацция назоратида турибди, шунингдек 42 790 нафари профилактик ҳисобида, 3 400 нафари эса соғлиқни сақлаш ҳисобидаги гиёҳванд, спиртли ичкиликка ружу қўйган ва руҳий касалларни ташкил этмоқда.

а) Соҳани таҳлил қилиш натижасида вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигига асосий сабаб бўлаётган қуйидаги муаммолар сақланиб қолмоқда:

- Яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсир кўрсатиши;
- Ёшларда ҳуқуқий онг ва билимнинг етарли даражада эмаслиги.

Ҳуқуқий онги, тарбияси ва ҳуқуқий маданияти етук бўлмаган вояга етмаган ва ёшлар жамиятда амалга ошираётган айрим салбий ҳаракатлари ҳуқуқбузарлик экканлигини тушунмайди. Масалан, вояга етмаган ўсмир майда ўғирлик ҳуқуқбузарлик экканлигини, бунинг оқибатида жавобгарлик масаласи борлигини ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти етишмаслиги ва ҳуқуқий тарбияга эга эмаслиги учун билмайди. Натижада ана шундай майда ҳуқуқбузарликлар ўрнини келажакда катта жиноятлар эгаллайди;

- Ёшларнинг интернет тармоғининг салбий ахборотлар оқимига берилиб кетиши. вилоят, туман ва шаҳар ИИБ ходимлари томонидан турли кўнгилочар жойлар ва интернет кафеларда соат 22:00 дан кейин “Тунги рейд” тадбирлари ўтказилганда, вояга етмаган ёшларнинг ота-онаси назоратсиз интернет кафеларда юрган ёшлар аниқланмоқда;

Маълумот учун; бугунги кунда маҳаллаларда фаолият олиб боровчи профилактика инспекторлари “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ўрганиш ишларини олиб бориш натижасида ота-онаси ҳамда уларнинг ўрни босувчи шахсларнинг назоратсиз юрган 2 591 нафар вояга етмаганлар аниқланиб, маҳалла еттилигига ҳулосалар берилди[4].

- Ёшлар устидан жамоатчилик назорати паст даражада қолмоқда
- Жиноятларнинг аксарият қисми доимий иш жойига эга бўлмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда.

2019 йилда 3 308 та, 2020 йилда 4 052 та, 2021 йилда 7 265 та, 2022 йилда 6 525 та, 2023 йил 6 ойликда 2 177 та ташкил қилган.

- Оммавий маданиятнинг кенгайиши.

ёшлар миллийликни, аслида ким экканлигини унутиб бораётганлиги оқибатида ёшлар хоҳлаган томонга оғиб кетмоқда

- Ёшларда бўш вақтларини самарали ташкил этилмаётганлиги.

Ўтган йили ёшлар билан 792 мартаба очиқ мулоқотлар ва учрашувлари ташкил этилиб, учрашувларда 112 937 нафар ёшлар (Шундан, 43 539 нафари ўқувчи ва талабалар, 8788 нафари меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган ёшлар, 60 610 нафари маҳаллалардаги уюшмаган ёшларга тўғри келади) қамраб олинган. Учрашувларда жами 3 147 та таклиф ва муаммолар билдирилган. Муаммонинг аксариятини ёшларнинг бўш вақтлари самарасиз ўтаётганлиги ташкил этган.

- Етакчи миллий блогерларнинг, лидерларнинг йўқлиги сабаб, ахборот хуружларининг ёшлар онгига салбий таъсири ортмоқда.

бошқа маданиятлар экспансияси, зарб шоу бизнес вакилларига тақлид қилиш, оқибатда миллийлик йўқолиб ёшлар юриш турушида, кийи нишида ўзгаришлар кўпаймоқда;

- Чет элга ишлашга кетган оилаларнинг болалари қаровсиз, назоратсиз қолаётганлиги натижасида безорилик ва жиноят кўчасига кириб қолаётганлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда;

- Оилавий муҳитнинг таъсири, айрим ҳолатларда оиладаги болаларга нисбатан тарбия, эътибор ва меҳрнинг бир хил тарзда берилмаётганлиги аксарият ҳолатларда иккинчи турмуш қурган ёки ажрашган оилаларда, оиладаги етишмовчилик ва муҳтожлик;

- Ёшларнинг иш билан таъминлаш даражасининг сустлиги. Айрим ёшлар доимий иш жойига эга эмаслиги, иш ўринларининг камлиги.

Ҳукукбузарлик содир қилишига бир қанча омиллар сабаб бўлмоқда:

Жиноят содир этган вояга етмаган ва ёшлар қилмишларидан етарли хулоса чиқармаётганликлари;

Жиноят содир этган ёшларнинг ота-онасига нисбатан жавобгарлик масалалари енгил ёки юзаки жорий этилганлиги ва жавобгарлик механизмларининг мукамал эмаслиги;

Оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшларга етарли ҳаётий билим ва кўникмалар берилмаётганлиги;

Ёшлар ўртасида илмий-техник, ижтимоий фанлар йўналишларида иқтидорли ёшларни рағбатлантириш сустлиги. Натижада ёшларнинг фанларга қизиқиши йўқолиб бошқа осон пул топишга оғиб кетишмоқда;

Ёшларга берилаётган танбехларни уларнинг ота оналари томонидан тўғри қабул қилинмаслиги. Жумладан мактаб ва лицейларда айрим ота-оналар ўз фарзандларини ёнини олиб, устоз лари томонидан қилинаётган танбехларга салбий муносабат билдирилмоқда, натижада ёшлар танти бўлиб ножўя қилмишларини давом эттириб келишмоқда;

Ёшлар орасида миллатимиздаги миллий урф-одат қоидаларини йўқолиб кетаётганлиги ва қонунларга ҳурмат ҳиссининг ёшлар орасида пастлиги;

Таълим муассасаларида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни аниқлаш ва уларга ўз болаларини тарбиялашда ёрдам кўрсатиш ишлари талабга жавоб бермаслиги каби омиллар сақланиб қолмоқда.

б) Хориж тажрибаси;

Японияда “ёшларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича алоҳида дастур” мавжуд бўлиб, босқичма-босқич амалга оширилиб борилади. Дастлабки босқичда болаларни боғча ёшидан бошлаб ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича дастлабки тушунчалар бериб борилади. Кейинги босқичларда мактаб ёшидаги болаларни ҳуқуқни бузмаслик, безорилик, ўғрилиқ, жиноят қилмаслик бўйича, уларнинг оқибатлари бўйича ва акс ҳолда жиноятга жазо муқаррарлиги бўйича мунтазам равишда профилактика ишлари амалга оширилиб борилади. Болалигидан ҳуқуқий билимларга эга бўлган ёшлар тўғри тарбияланиб, ҳуқуқбузарлик содир этилиши олди олинади[5].

Франция полицияси департаментларида болалар ва ёшлар жиноятчилигини олдини олиш бўйича бўлинмалар таъсис этилган. Шу билан бирга Франция бош вазирининг буйруғи билан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича Миллий кенгаш тузилган. Ушбу кенгаш томонидан содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар ўрганилиб керакли чора-тадбирлар тавсия этиб борилади. Ҳозирги кунда Франция ҳудудида 400 тадан ортиқ бундай кенгашлар мавжуд. Кўпгина полиция хизматлари вакиллари бу кенгашларнинг ишида қатнашади[6].

Германияда вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш учун махсус комиссариатлар ташкил этилган. Комиссариатларга кўпинча айбдор ёки гувоҳ сифатида ўсмирлар гумон қилинган ишлар бўйича тергов олиб бориш топширилади. Ўсмирлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш полиция бошқармаси раҳбарияти томонидан амалга оширилади. Жиноят полицияси бошқармасининг ахборот тизимида вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги махсус маълумотлар базаси ташкил этилган. Базага киритилган маълумотлар асосида вояга етмаган ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ривожланиш хусусиятлари ва сабаблари таҳлил этилади[7].

Жанубий Корея Республикасида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олишга қаратилган қонунчилиги таҳлил қилинганда, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва уларни ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги махсус қонун қабул қилинган. Қонунга биноан, ўсмирларнинг жавобгарлик ёшини 10 ёшгача қисқартириш чоралари кўрилган[8].

Сингапур давлатида болалар ва ёшлар тўғрисидаги қонун қабул қилинган бўлиб қонунга биноан, вояга етмаган ва ёшлар томонидан содир этилган ҳар қандай жиноят

“Ёшлар суди” томонидан кўриб чиқилади. Бугунги кунда бутун дунё давлатлари ичида ёшлар суди ушбу давлатда жорий этилган[9].

II. Маҳаллаларда фаолият олиб бораётган “маҳалла еттилиги”нинг жиноятчиликни олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда ўзаро ҳамкорлигида юзага келаётган муаммолари.

Маҳалла жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар тотувлигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш маскани ҳисобланади.

Айнан шу боис, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида маҳалла институтининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантириш устувор мақсад этиб белгиланган.

Кейинги йилларда ушбу тузилма фаолиятини тубдан такомиллаштириш орқали маҳалланинг халқ билан давлат ўртасида ишончли “кўприк” бўлишини амалда таъминлашга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, солиқ инспектори, ижтимоий ходим, ҳамда профилактика инспекторидан иборат “маҳалла еттилиги” ташкил қилиниб, ҳудудларни комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, аҳоли билан манзилли ишлаш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишлари мутлақо янги босқичга олиб чиқилди.

Ҳозирги кунда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги чоратадбирларнинг ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида амалга оширилаётгани ижтимоий муаммоларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: *“Маҳалла тинч бўлса, бутун юртимиз тинч бўлади, маҳалла обод бўлса, бутун мамлакатимиз фаровон бўлади”* [10].

Маҳаллаларда ижтимоий профилактика йўналишида амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ва ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида, 2023 йилнинг 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан *“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳтни яратиш механизмларини белгилаш тўғрисида”ги* Қўшма қарори қабул қилинди[11].

Мазкур қўшма қарор билан ҳуқуқбузарлик содир этишига мойил ёҳуд ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан кунлик яқка тартибда ишлаш бўйича манзилли чора тадбирларни амалга ошириш тартиби белгиланди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида “ижтимоий профилактика” тизими ўзининг ижобий самарасини бериб, ҳудудларда аҳолининг муаммоларини бартараф этиш орқали

жиноятчиликни жиловлашнинг мутлақо янги миллий тизимини ўз ичига олган ёндошувни келтириб чиқарди.

Жумладан, бугунги кунга қадар, профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёхуд ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган 418 177 нафар шахслар аниқланиб, маҳалла раисларига 129 542 та, ҳоким ёрдамчиларига 99 800 та, хотин-қизлар фаолларига 111 434 та ва ёшлар етакчиларига 83 298 та хулосалар берилиши таъминланди.

Ушбу хулосаларда назарда тутилган 144 288 нафар (34,5 %) фуқароларнинг муаммолари маҳалла фаоллари томонидан ижобий ҳал этилиб, маҳалла раислари томонидан 43 632 та (30%), ҳоким ёрдамчилари томонидан 32 895 та (23%), хотин-қизлар фаоллари томонидан 37 777 та (26%) ва ёшлар етакчилари томонидан 29 984 та (21%) қўшма хулосалар тузилди.

Эришилган ижобий натижалар билан бирга тизимда айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилиб келинаётганлигини истисно қилиб бўлмайди.

Бу борада камчиликларга йўл қўйган, киритилган хулосалар бўйича ижтимоий профилактика объектлари билан ижтимоий профилактика чора-тадбирларини етарли даражада олиб бормаган субъектлар устидан, масъул орган раҳбарларига бугунги кунгача 8 177 маротаба тақдимномалар киритилди.

Тақдимномаларнинг 2 138 таси маҳалла раиси, 1 742 таси ҳоким ёрдамчиси, 2 133 таси хотин-қизлар фаоли, 1 891 таси ёшлар етакчисига нисбатан, шунингдек, 273 таси уларнинг бевосита масъул раҳбарларига нисбатан юқори турувчи идораларга киритилди.

Шунга қўра, “ижтимоий профилактика” тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича янгича ёндашувни жорий этиш давр талабига айланди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасида маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ҳамда аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш борасида қатор тизимли муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан:

профилактика инспектори маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари бўлиб фаолият юритиши, маҳалла раислари томонидан нотўғри талқин қилинмоқда, яъни сен менинг ўринбосаримсанку қанақасига менга вазифа юклайсан деган тушунчага бораётганлиги.

Маҳалла раисининг ушбу тушунча билан қараши бошқа маҳалла вакилларига ҳам таъсир ўтказаетганлиги, оқибатда профилактика инспектори томонидан берилаётган хулосалар қуруқ қозғозда қолиб кетмоқда

Шунингдек, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчилари ҳам бизнинг ўзимизни бошлиғимиз бор уларнинг айтганини қилсак бўлди, деган фикир билан

юрганлиги. маҳаллада фаолият олиб бораётган маҳалла еттилик вакиллари ўзлари вертикал бўйсунувчи ташкилотлар томонидан берилаётган топшириқлар билан бўлиб, ҳамкорлик асосида “хонадонбай” ва “фуқаробай” биргаликда ўрганиш амалиётининг йўқлиги.

Биргина мисол, Чилонзор тумани “Навбаҳор” МФЙда фаолият олиб бораётган “маҳалла беш лиги”нинг фаолияти жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашилганда маҳалла раиси кунги ҳокимиятда ўтишини, ёшлар етакчиси “Ёшлар дафтари”, хотин-қизлар фаоли “Аёллар дафтари”, ҳоким ёрдамчиси “Темир дафтар” профилактика инспекторлари эса фуқаролардан тушаётган ариза ва шикоятлар билан кунги ўтаётганлигини маълум қилди.

маҳаллаларга келиб кетаётган ҳамда кўпқаватли уйларда яшаётган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳар бир домга бириктирилган масъуллари томонидан ҳудудий ички ишлар органларига хабар бериш амалиёти йўлга қўйилмаганлиги оқибатида, келиб кетувчиларни назорат қилиш имконияти мавжуд эмаслиги.

Бу эса, фуқаролар томонидан жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишига шароит яратмоқда.

Содир этилган жиноятларни муҳокама қилиш номига ўтказилаётгани яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлари муҳокама қилинмасдан қолаётганлиги.

Жойларда профилактика инспекторлари жиноят муҳокама баёнини ўзи тўлдираётганлиги билан чекланилмоқда.

Бугунги кунда республикада мавжуд ўн мингга яқин маҳаллаларнинг ҳар бирига ўртача 1 мингтадан ортиқ ёшлар тўғри келмоқда. Шу билан бирга, жойларда жиноятчиликни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспекторининг ҳар бирига 22 тага яқин вазифалар юклатилганлиги улар томонидан бириктирилган маҳаллада алоҳида ёшлар билан ишлаш имкониятининг йўқлиги

Аксарият фуқаролар томонидан доимий яшаш манзилларидан хорижий давлатларга асосан пул топиш мақсадида чиқиб кетаётганлиги сабабли, уларнинг вояга етмаган фарзандлари ота-онаси ёки ўрнини босувчи шахсларнинг назоратидан четда қолмоқда.

Мазкур ҳолат мактаб ёшидаги вояга етмаганлар томонидан жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Маҳаллаларда ёш оилалардаги мавжуд низоларга барҳам бериш бўйича самарали тизим йўлга қўйилмаганлиги натижасида ушбу ёш оила аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлишига ҳамда ҳудудларда ёшлар ўртасида оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар ошиб боришига сабаб бўлмоқда

Бугунги кунда фуқаролик ва маъмурий судларда оила-турмуш муносабатлари билан боғлиқ масалаларида 265 651 нафар шахслар низолашмоқда.

Республикада ёшлар ўртасида суицид омилларини комплекс тарзда ўрганувчи ягона институционал тизимнинг мавжуд эмаслиги, уларни барвақт олдини олиш бўйича чоратadbирлар белгилаш имконини чекламоқда.

б. “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида, мазкур маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда ёшлар жиноятчилигини олдини олиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1) маҳаллада еттилик фаолиятини мувофиқлаштирадиган ягона электрон базасини яратиш ва ундан профилактика инспекторларининг фойдаланишини йўлга қўйиш;

2) маҳаллий бюджет маблағлар ҳисобидан маҳалла раисига котиб штат бирлигини ажратиш ҳамда маҳалладаги ҳар бир кўчабошига энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорда ойлик маош бериш орқали фуқаролар билан манзилли профилактик тадбирларни ўтказиш тизимини йўлга қўйиш;

3) девиант хулқ-атворга эга фуқароларга маҳалла кўча бошиларни бириктириш ва улар томонидан фуқароларнинг ота-оналари билан якка-тартибдаги тарбиявий ишларни ўтказиш амалиётини жорий этиш;

4) профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари штатлари ташкил этилиб, бугунги кунда ўз самарасини бериб келаётганлиги мисолида, республиканинг ҳар бир маҳалласида профилактика инспекторининг ёшлар масалалари бўйича ёрдамчилари лавозимларини жорий этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш.

5) Маҳаллий ҳокимликлари тасарруфида ёш оилалардаги низоли ҳолатларининг хусусиятларидан келиб чиқиб (*уй-жой, ер, моддий етишмовчилик, раишқ, қарз, ишсизлик ва б.*), уларни бартараф этиш ёки қонун доирасида ҳал қилиш ваколатига эга мутасадди ташкилот ва идора вакилларида иборат мақсадли гуруҳларни тузиш ва ушбу муаммоларни ҳал этиш орқали низоларга барҳам бериш тизимини жорий қилиш.

Мисол учун: ер масалалари бўйича низоларни ҳал қилиш бўйича мақсадли гуруҳ таркибига ер ресурслари ва кадастр хизмати ходимлари,архитектор ва “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссия” аъзолари, пул олди-берди низолари бўйича – адлия бўлинмалари ходимлари, нотариус ва фуқаролик ишлари бўйича судьялар киритиш.

6) Республика Ёшлар ишлари агентлиги ёки Маҳалла Уюшмаси қошида ёшлар ўртасида суицид ҳолатларини комплекс таҳлил қилиш ва илмий жиҳатдан ўрганиб, уларни барвақт олдини олиш мақсадида суицидолог, психолог, психиатр, дин бўйича мутахассис (психолог), этнолог, эколог, радиолог, демограф, иқтисодчи, ҳуқуқшунос мутахассисларни жалб этган ҳолда, ихтисослаштирилган Марказ ташкил этиш лозим.

Бу эса, ҳудудларда ёшлар ўртасидаги суициднинг “эпидемиологик ўчоқ”ларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар белгилаш амалиётини йўлга қўйиш имконини беради.

7) Ёшлар жиноятчилигига қарши курашда маҳалланинг ролини кучайтириш. Негаки, жиноятчиликка қарши курашиш фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлмоғи зарур. Ҳуқуқбузарлар рўйхатини қатъий шакллантириб манзилли профилактика олиб бориш.

8) Жиноят содир этган ёшларга нисбатан жазони кучайтириш, ёшларнинг ота-она ва ватан олдида жавобгарлигини ошириш. Жазоланган ёшларни жамоатчилик олдида намуна сифатида кўрсатиш. Чунки кўпчилик ҳолатларда жазони енгиллиги сабаб ёшлар қайта жиноят содир этмоқда.

9) Бугунги кунда тарбияси оғир вояга етмаганлар билан ишлашни жонлантириш, воягаётмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларига эътиборни кучайтириш, педагогик ва психологик коррекция методларига мурожаат этиш лозим. Тарбияси оғир ёшларни ватанпарварлик руҳини ошириш мақсадида улар билан ЎР МВ ҳарбий қисмлари, Миллий гвардия, Ёшлар иттифоқи ташкилоти билан ҳамкорлигини жадаллаштириш

10) Ижтимоий муаммо сифатида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўйича ва ёшларни болалигидан ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида комплекс чора-тадбирларини кўзда тутувчи ижтимоий дастур ишлаб чиқиш ва бунда ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, таълимий ва соғлиқни сақлашга доир устувор вазифаларни аниқ белгилаш ҳамда амалга ошириш лозим. Мазкур дастур ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий соғлом тарбиялаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этишда муҳим омил бўлади.

11) Таълим муассасаларида маънавият соатларида (мактаб, лицей ва олий ўқув юртлари) Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлар идораси дин уламолари билан ҳамкорликда ёшларнинг диний саводхонлигини ошириш ва ёд ғояларга кириб кетишини олдини олиш мақсадида мунтазам равишда диний мавзуларда қўшимча дарслар ташкил этиш. Ундан ташқари спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик ва интернет қимор ўйин ларининг салбий оқибатлари ҳақида қўшимча амалий дарслар ўтказиш ва тарғибот ишларини олиб бориш.

12) Олий таълим муассасаларининг таълим дастурига ҳам ўзгартиришлар киритиб, ЖК ва МЖТКда назарда тутилган, кўпроқ содир қилинаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида тўлиқроқ тушунча берувчи дарс соатларини жорий қилиш.

Модернизация ва либераллаштириш шароитида вояга етмаган ва ёшлар ўртасида жиноятчиликни илмий ўрганиш бўйича ягона методик стандартларни яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2024 йил 12 январдаги Республика Хавфсизлик Кенгаши йиғилиши.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жиноий-ҳуқуқий статистика маълумотлар маркази.
3. 2023 йилнинг 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳтни яратиш механизмларини белгилаш тўғрисида”ги Қўшма қарори.
4. Professor, Faculty of Education, Shizuoka University, Japan Kyoko ISOYAMA law related education in japan – developments and challenges
5. <https://www.linguee.com/english/french/translation/police+department.html>
6. In Deutschland wurden Sonder Kommissariate zur Aufklärung von Straftaten Minderjähriger eingerichtet.
7. <https://elaw.klri.re>. Statutes of the Republic of Korea. Juvenile act.
8. Children And Young Persons Act 1993 <https://sso.agc.gov.sg/Act/CYPA1993>
9. <https://president.uz/> Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,
11. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил “30”мартдаги 10/3/05-сон қарори
12. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни 14.09.2016 й., №ЗРУ-406. <https://lex.uz/docs/3026246>
13. Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини 2025-йилгача ривожлантириш концепсияси 18.01.2021 й., №23. <https://lex.uz/docs/5234746>
14. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги Қонун // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, Lex.uz, 24.07.2018 й., 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон.